

Намознинг охиридаги дуо мақбул эканлиги | Ҳадис дарслари (335-дарс)



19:00 / 02.07.2025 1996

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????: ?????
???????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ??????????
????????? ?????? ?????????????????? ??????????????:
????????????? ?????????? ??? ??? ????????????? ??????
????????????? ?????? ?????????????? ?????? ??????????????
?????? ?????????????? ?????? ?????? ?????????? ????
????????? ?????????? ?????????????? ??????????

????????????? ??? ?????? ?????? ??????. ???????

????????????? ?????? ????????????????

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ташаҳҳуд билан саломнинг орасида қуйидагиларни айтар эдилар:

«Аллоҳим, менинг олдин қилганимни, кейин қилганимни, махфий қилганимни, ошкора қилганимни ва ортиқча қилганимни ва Сенинг Ўзинг мендан яхши билганингни мағфират қилгин. Сенинг Ўзинг олдинга ўтказувчи ва Сенинг Ўзинг ортга сурувчисан. Сендан ўзга ибодатга сазовор Зот йўқ».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Дуонинг ташаҳҳуддан кейин, саломдан олдин ўқилиши.
2. Намозда ушбу маънода дуо қилишнинг яхшилиги.

???? ?????????? ??? ?????????????? ?????? ?????? ???????

?????: ?????? ?????????? ?????? ??????? ?????? ???????????

????????????? ?????????????? ?????????? ?????? ?????????????? ????

????? ?????????????? ??????? ?????????????????? ??????????????:

????????????? ??????? ?????????????????? ??? ?????? ??????????????

????????? ???????? ????? ???????? ???????? ??????????

??????? ???????? ????? ?????????? ?????????? ????? ????????????

??? ?????????? ?????????? ???????? ??????????????

??????????????? ?????? ??????????: ????? ???????? ?????? ?????

??????? ?????? ???????????. ?????????? ?????? ??????????

?????????????????????..

Миҳжан ибн ал-Адраъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кириб, бирдан намозни тугатиб, ташаҳҳуд ўқиётган ва:

«Аллоҳим! Эй Аҳад, Сомад, туғмаган ва туғилмаган ва Унга ҳеч бир тенг бўлмаган Зот! Албатта, мен Сендан гуноҳларимни мағфират қилмоғингни сўрайман», деб дуо қилаётган кишини кўрдилар ва:

«Батаҳқиқ, у мағфират қилинди», деб уч марта айтдилар».

Абу Довуд ва Насайй ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ушбу ҳадиси шарифнинг ровийси Миҳжан ибн ал-Адраъ розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Миҳжан ибн ал-Адраъ Асламий ал-Маданий моҳир чавандозлардан бўлиб, Мадинада истиқомат қилганлар. Кейин Басрага кўчиб ўтдилар ва ана шу ердаги масжиднинг атрофини девор билан ўраб чиқдилар.

Бу зот узоқ умр кўрдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бешта ҳадис ривоят қилганлар.

Миҳжан ибн ал-Адраъ розияллоҳу анҳудан Ҳанзала ибн Али ал-Асламий, Ружо ибн Абу Ружо, Абдуллоҳ ибн Шақиқ ва бошқалар ривоят қилдилар. У киши ривоят қилган ҳадисларни учта «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига

киритганлар.

Миҳжан ибн ал-Адраъ розияллоҳу анҳу ҳижратнинг 60-йили Муовиянинг халифалик даврида вафот этдилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Дуонинг ташахҳуддан кейин ўқилиши.
2. Киши ўз кўнглидаги дуони қилиши мумкинлиги.
3. Намознинг охиридаги дуо мақбул эканлиги.
4. Башоратли ва муҳим гапни уч марта қайтариб айтишнинг яхшилиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.